



# MILLIY TIKLANISH

50 (215) ● 2012 йил 12 декабрь, чоршанба ● Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясининг ижтимоий-сиёсий газетаси  
 ЎзМТДП — www.mt.uz Тахририят — www.milliytiklanish.uz 2008 йил 30 октябрдан чиқа бошлаган



ЎзМТДП Марказий Кенгаши Ижроия Кўмитаси томонидан ташкил этилган семинарда партия Самарқанд, Қашқадарё ва Тошкент вилоят Кенгашлари Ижроия Кўмиталари масъул ходимлари сиёсий билим ва кўникмаларини оширишга муваффақ бўлишди.



ТАДБИРДА Кўмита томонидан дарсликлар ва ўқув қўлланмаларининг мазмуни, ўқув босма маҳсулотларининг сифатини ўрганиш бўйича олиб борилган назорат таҳлил якуналари муҳокама қилинди.



ҚИЗИЛТЕПА тарихий ўлкашунослик музейи тузман тарихи, ўзига хос табиати ва маҳаллий аҳоли аъёна, удум ва қадриятларни ўрганишга хизмат қиладиган масканлардан биридир.

3 ПАРТИЯ ҲАЁТИ

5 ПАРЛАМЕНТ

8 КўЗГУ

● **ХАБАРЛАР**

**Ёшлар фестивали**  
 Термиз давлат университетида "Ватан тараққиётига менинг ҳиссам" шиори остида ёшлар фестивали ўтказилди.

Конституциямизнинг 20 йиллигига бағишланган тадбир Сурхондарё вилояти ҳокимлиги, "Қамолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати, ТерДУ, вилоят маданият ва спорт ишлари, ИИБ, халқ таълими, ўрта махсус касб-ҳунар таълими бошқармалари ҳамкорлигида ташкил этилди. Фестиваль ёшларни ватанпарварлик, дўстлик, юрт ободлиги йўлида собитлик руҳида тарбиялашни янада ривожлантириш йўлида улғуният билан ўтказилди. Фестивалда давлат стипендиатлари, Зулфия номидаги давлат мукофоти совриндорлари, халқаро ва республика мусобақалар ғолиблари, ёш фермерлар ва тадбиркорлар иштирок этди. Тадбирда ижодкор ва ҳунарманд ёшларнинг ақли, маҳорати ва ижодий меҳнати эъзизга тайёрланган буюмлар кўргазмаси ҳам ташкил этилди.

**Матбуот анжумани**

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан ўтказилган навбатдаги матбуот анжумани "Соғлом авлодни тарбиялаш, оналар ва болалар саломатлигини муҳофаза қилиш борасидаги устувор вазифалар, эрта турмуш қуришининг салбий оқибатлари" мавзудаги матбуот анжумани ўтказилди.

Матбуот анжуманида она ва бола саломатлиги, эрта турмуш қуришининг салбий оқибатлари хусусида сўз борди. Аҳоли саломатлигини мухташамлашга қаратилган изчил ислохотлар кўлами янада кенгайиб бораверар экан, ноҳуш воқеаларни олдини олишда соғлом турмуш тарзи ва соғлом оила тамойилларини тарғиб қилиш аҳамияти ҳам ошиб боришига эътибор қаратилди. Анжуман сўнггида оммавий ахборот воситалари вакиллари ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб олишди.

**Тошкент қувончлари**

Пойтахтдаги Ёшлар ижод саройида "Тошкент қувончлари" IV халқаро болалар расмлари биеннаlesi очилди.

Ўзбекистон Бадий академияси, Ташқи ишлар, Халқ таълими вазирликлари ва Фонд форум ҳамкорлигида ташкил этилган бу йилги танловга 27 давлатдан 5 ёшдан 15 ёшгача бўлган болаларнинг 2 мингга яқин ижод намуналари тақдим этилган. 15 декабрь куни болалар расмлари халқаро биеннаlesi танловининг тантанали ёпилиш маросими бўлиб ўтди. Шу куни ижодкор болалар мавзунинг энг яхши ёритилганлиги, профессионал маҳорати, ижодий фантазияси каби номинациялар бўйича тақдирланишди.

## 2013 йил — Обод турмуш йили



● **МУНОСАБАТ**

### Мақсад ва ғоялар муштараклиги

ЎзМТДПНИ САМАРАЛИ ФАОЛИЯТ ЮРИТИШГА УНДАЙДИ

*Мамлакатимизда шу кунларда Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг 20 йиллиги кенг нишонланмоқда. Пойтахтимиздаги "Ўзбекистон" халқаро анжуманлар саройида ана шу қутлуғ санага бағишланган тантанали йиғилиш бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоҳ Каримов иштирок этиб, чуқур мазмун ва таҳлилга бой маъруза қилди.*

Дарҳақиқат, 2012 йил 8 декабрь суверен Ўзбекистон Республикасининг янги тарихида ўчмас из қолдириши, зарҳал ҳарфлар билан ёзилиши шубҳасиз. Чунки айна шу кун Президентимиз таъкидлаганларидек: "Халқимиз учун мустақил тараққиёт йўлини белгилаб, миллий давлатчилик, янги ижтимоий-сиёсий тизим барпо этиш, демократик давлат ва фуқаролик жамияти қуришининг ҳуқуқий пойдеворини яратиб берган Конституциямиз"нинг қабул қилинганлиги 20 йил тўлди.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси мамлакатимизнинг тарихан қисқа муддат ичида бугунги даражага етишида, ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, маънавий-ҳуқуқий соҳаларда кенг қамровли ислохотларни муваффақиятли амалга ошириш, дунё микёсида танилиши ва юксалишида асосий восита ролинини ўтади. Мамлакатимиз ўз мустақиллигининг илк давридаёқ Конституцияга асосланган ҳуқуқий демократик давлат қуриш, фуқаролик жамиятини шакллантириш йўлини танлади. Асосий қонуни-мизнинг 2-боб 12-моддасида белгиланганидек: "Ўзбекистон Республикасида ижтимоий ҳаёт сиёсий институтлар, мафкуралар ва фикрларнинг хилма-хиллиги асосида ривожланади".

Энг муҳими, Конституцияга асосан демократик давлатнинг муҳим шартларидан бири бўлган ҳокимиятнинг қонун

чиқарувчи, ижро этувчи ва суд тармоқларининг вазифа ва валолатлари аниқ белгилаб қўйилди. Шунингдек, босқичма-босқич уларнинг манфаатлар мувозанати ва бир-бирини тийиб туриши таъминланди, жамиятда сиёсий партияларнинг роли кучайди.

2010 йил ноябрь ойида парламент палаталарининг қўшма мажлисида тақдим этилган "Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепцияси" мамлакатимиз мустақиллигининг илк давридан бошланган демократик янгилаш ва модернизация жараёнларининг мантикий ва қонуний давоми вазифасини ўтамоқда. Президентимиз Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 20 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузасида айтилганидек: "Ислохотларни босқичма-босқич, изчиллик ва тадрижий ривожланишининг давомилиги асосида амалга айтилганидек: "Ислохотлардан келиб чиққан ҳолда, мазкур Концепция, ўз моҳият-эътиборига кўра, дунёда туб ўзгаришлар юз бераётган ҳозирги замонда ижтимоий, сиёсий ва иқтисодий ислохотларнинг энг муҳим устувор йўналишларини амалга оширишнинг узоқ муддатга мўлжалланган миллий стратегиясидир".

Концепцияда билдирилган устувор йўналишлар, ташаббус, мақсад ва ва-

зифаларни амалга ошириш асосида мамлакатимиз парламенти томонидан ўн иккита қонун қабул қилинди, ўттиздан ортиқ қонун лойиҳалари муҳокама қилинмоқда. Уларни муҳокама қилиш, янада такомиллаштириш ва қабул қилиш жараёнида, алоҳида таъкидлаш жоизки, сиёсий партияларнинг парламентдаги фракциялари, жумладан, ЎзМТДП фракцияси аъзолари фаол иштирок этмоқда, қонунчилик ташаббуслари билан чиқишмоқда, муайян қонун лойиҳасига доир ўз нуқтаи назарини билдиришмоқда, кези келганда электротар манфаатларини қатъий ҳимоя қилиш мақсадида ўзаро баҳс-мунозарага киришмоқдалар.

Гап модомики Концепция асосида тайёрланган қонунлар ҳақида борар экан, 2011 йилда қабул қилинган "Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг айрим моддаларига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида" (78, 80, 93, 96 ва 98-моддаларига)ги қонунни алоҳида таъкидлаш жоиз. Унга мувофиқ Президент - Давлат бошлигининг айрим валолатлари Сенатга ва Вазирлар Маҳкамасига берилди, Бош вазирга ишончсизлик вотуми билдириш институти жорий этилди, маҳаллий Кенгашларнинг валолатлари янада кенгайтирилди.

Президент ўз маърузасида минтақадаги мавжуд вазият, Афғонистон муаммоси ечимига доир аниқ тақлиф ва йўл-йўриқлар, мамлакатимиз ташқи сиёсатининг асосий принципларини очик-ойдин баён этди ва, айтиш жоизки, бу принциплар партиямиз дастурида белгиланган мақсад ва вазифалар билан ҳамоҳанг ва уйғундир.

*Ўтиб бораётган йил мамлакатимиз ҳаётида муҳим саналарга бой бўлди. Яқинда ана бир муҳим воқеа — Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг йигирма йиллигини нишонладик. "Ўзбекистон" халқаро анжуманлар саройида Ўзбекистон Республикаси Конституцияси 20 йиллигига бағишланган тантанали йиғилиш бўлиб ўтди. Унда давлатимиз раҳбари Ислоҳ Каримов "Инсон манфаати, ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш, ҳаётимизнинг янада эркин ва обод бўлишига эришиш — бизнинг бош мақсадимиздир" мавзусида маъруза қилди.*

### Конституциямизнинг ҳаётбахш қудрати

ҲАЁТИЙ ПРИНЦИПЛАР, ҚОИДА ВА НОРМАЛАРДА АКС ЭТГАН

Президентимиз ўз маърузасида мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш жараёнларида парламентнинг аъзолари фаол иштирок этмоқда, қонунчилик ташаббуслари билан чиқишмоқда, муайян қонун лойиҳасига доир ўз нуқтаи назарини билдиришмоқда, кези келганда электротар манфаатларини қатъий ҳимоя қилиш мақсадида ўзаро баҳс-мунозарага киришмоқдалар.

Гап модомики Концепция асосида тайёрланган қонунлар ҳақида борар экан, 2011 йилда қабул қилинган "Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг айрим моддаларига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида" (78, 80, 93, 96 ва 98-моддаларига)ги қонунни алоҳида таъкидлаш жоиз. Унга мувофиқ Президент - Давлат бошлигининг айрим валолатлари Сенатга ва Вазирлар Маҳкамасига берилди, Бош вазирга ишончсизлик вотуми билдириш институти жорий этилди, маҳаллий Кенгашларнинг валолатлари янада кенгайтирилди.


Президент ўз маърузасида минтақадаги мавжуд вазият, Афғонистон муаммоси ечимига доир аниқ тақлиф ва йўл-йўриқлар, мамлакатимиз ташқи сиёсатининг асосий принципларини очик-ойдин баён этди ва, айтиш жоизки, бу принциплар партиямиз дастурида белгиланган мақсад ва вазифалар билан ҳамоҳанг ва уйғундир.

Концепцияда билдирилган устувор йўналишлар, ташаббус, мақсад ва ва-

2-бет

4-бет

**"Milliy tiklanish" газетасига обуна бўлинг!**  
 Нашр кўрсаткичи — 158





# ПАРТИЯ ҲАЁТИ

## ЎҚУВ-СЕМИНАР

**Аввал хабар қилганимиздек, пойтахтимизда ЎзМТДП Марказий Кенгаши Ижроия Қўмитаси томонидан "Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси фаолиятини янада такомиллаштиришнинг замонавий услублари ва истиқболли" мавзусида ўқув-семинар бўлиб ўтмоқда. Семинарнинг навбатдагисида партия Самарқанд, Қашқадарё ва Тошкент вилоят Кенгашлари Ижроия қўмиталари масъул ходимлари сиёсий билим ва кўникмаларини оширишга муваффақ бўдилар.**



## ЎзМТДП фаолияти

### УНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШНИНГ ЗАМОНАВИЙ УСЛУБЛАРИ ЎРГАНИЛМОҚДА

Бир ҳафта давом этган ўқув-семинар давомида ЎзМТДП фаолиятини янада такомиллаштириш, кадрлар потенциалини ошириш, партия мафқураси ва ғоясини тарғиб этишининг янги усул ва ёндашувларини жорий этишга оид долзарб мавзулардаги маърузалар тингловчилар эътиборига ҳавола этилди. Семинарда ЎзМТДП фракцияси раҳбари У.Муҳаммадиев сўзга чиқиб, бу каби ўқувлар партиянинг сайловолди Платформасида белгиланган устувор вазифалар, ҳуқуқий демократик давлат қуриш ва очиқ фуқаролик жамиятини шакллантиришда ЎзМТДП аъзоларининг фаоллигини ошириш, партия кадрларининг сиёсий, ҳуқуқий ва маънавий билим ва кўникмаларини юксалтиришда муҳим аҳамият касб этишини алоҳида таъкидлади.

Бугунги мураккаб замонда инсоният халқро терроризм, экстремизм, миллатчилик, ядро куралининг тарқалиши ва йirik экологик таҳдидларга қарши кураш олиб бормоқда. Давлатимиз раҳбари доимо халқро минбарлардан, ҳусусан, БМТ Бош Ассамблеясининг ялпи мажлисларидаги нутқларида халқро ҳамжамият томонидан ҳал қилиниши лозим бўлган ана шундай масалалар бўйича бир қатор амалий тақлиф ва ташаббусларни илгари суриб келмоқдалар. Айниқса, Марказий Осиё минтақасида хавфсизликни таъминлаш, ҳусусан, ён қўшимиси Афғонистонда 30 йилдан зиёд вақт мобайнида давом этиб келаётган урушга чек қўйиш, ушбу мамлакатни иқтисодий жиҳатдан тиклаш, ижтимоий гуманитар инфратузилмани вужудга келтириш, одамларни тинч меҳнатга қайтариш бўйича Ўзбекистон ташаббусларига халқро жамоатчилик алоҳида эътибор билан ёндошмоқда.

Ўзбекистон етказиб бераётган электр энергиядан фойдаланмоқда. Бундай мисолларни бошқа соҳалардан ҳам қўлаб келтириш мумкин, - деди партия раҳбари. Маълумки, минтақада тинчлик ва хавфсизликни таъминлаш масалалари ҳақида сўз борганда, Марказий Осиёдаги экологик вазият ҳақида ҳам алоҳида тўхталиб ўтиш жоиз. Бу муаммага ҳам партия раҳбари ўз фикр-мулоҳазаларини билдирган ҳолда, қўйидагиларни таъкидлаб ўтди: — Марказий Осиё экологик фалокат минтақасида жойлашган барчага маълум. Минтақамиз Орол фожасидек улкан экологик муаммага дуч келиб турибди. Утган қирқ йил мобайнида Орол денгизи акваторияси етти баробар қисқариб, сув ҳажми 13 марта камайгани ва унинг минераллашуви эса ўнлаб баробар ошириш туфайли денгиз тирек организмлари яшashi учун яроқсиз ахволга келиб қолган. Ана шундай бир шароитда Амударё ва Сирдарёнинг юқори қисмида улкан гидроиншоотларни қуриш бўйича лойиҳаларни амалга оширишга қаратилган уринишлар экологияга жиддий зарар етказиб, хавфли техноген фалокатларни келтириб чиқариши мумкин. Шу боис бумасалада Ўзбекистон позицияси қатъий, яъни ҳар бир ҳаётини катта хавф остига қўяди, иккинчидан, шунисиз ҳам ниҳоятда мураккаб бўлган экологик вазиятни бутунлай издан чиқаради.

Мамлакатимиз янада фаровон бўлишида куч, билим ва салоҳиятимизни аямаслик фуқаролик бурчимиздир, - деди пирорвардида партия етакчиси. Ўқув давомида "ЎзМТДП фаолиятини янада такомиллаштиришнинг замонавий услублари"га бағишланган амалий машғуллар олиб берилди. Семинар якунида иштирокчиларга гувоҳномалар топширилди.

**Алоиддин УМАРОВ,**  
**ЎзМТДП Марказий**  
**Кенгаши Ижроия**  
**Қўмитаси девони**  
**Ўқув-услубий ва ахборот**  
**таҳлил бўлими бошлиғи:**

— Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини барпо этиш, жамиятда қонун устуворлигини таъминлаш, фуқаролар ҳуқуқий маданиятини юксалтириш борасида қатор ташаббуслар ва лойиҳалар амалга оширилмоқда. Хусусан, турли ўқув-семинарлар ташкил этилиши партияимиз фаолияти самарадорлигида муҳим аҳамият касб этмоқда. Мазкур ўқув-семинар ҳам партия ҳудудий кенгашларининг масъул ходимлари, халқ депутатлари маҳаллий кенгашларга ЎзМТДП сайланган депутатлар ва партия фаолларининг билим ва малакаларини оширишда муҳим аҳамият касб этишига ишонамиз.

**Шухрат ҲАЙДАРОВ,**  
**ЎзМТДП Қашқадарё**  
**вилоят Кенгаши Ижроия**  
**Қўмитаси девони**  
**раҳбари:**

— Истиқлол йилларида амалга оширилаётган кенг қўламли демократик ислохотлар ҳар бир юрtdошимиз онгу тафаккури, фикрлаши ва дунёқарашини тубдан ўзгартириб юборди. Бу жараёнда эса ҳар бир сиёсий партия ўз фойдалари тарғиботини юқори даражада ташкил этиши лозим.

Яъни электорат манфаатларини ҳимоя қилиш, сайловчи ишончини оқлаш ва аҳолининг сиёсий-ҳуқуқий саводхонлигини юксалтиришда партиянинг барча бўғинидан фаоллик ва ташаббускорлик талаб этилади. Зеро, бугунги сайловчи кечагисидан тубдан фарқ қилади.

Ўқувда раҳбар кадрлар учун зарур бўлган нотиклик маҳорати, ахборот-технологияларидан самарали фойдаланиш, иш юритишнинг замонавий услубларини ўрганганимиз айна муддао бўлди.

**Гўзал САТТОРОВА,**  
**ЎзМТДП Тошкент вилоят**  
**Кенгаши Ижроия**  
**Қўмитаси етакчи**  
**мутахассиси:**

— Мамлакатимизнинг таниқли сиёсатшунос олимлари, журналистлар ва соҳанинг етук кадрлари томонидан тақдим этилган ҳар бир маърузадан фаолиятимиз учун зарур маълумотлар олдик. Айниқса, тренерларнинг амалий машғуллари аҳоли орасига қийин бориш, ЎзМТДП ғояларини тарғиб қилишимизда қўл келиши шубҳасиз. Партия Тошкент вилоят Кенгашида хотин-қизлар ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш масалалари бўйича фаолият юритганим боис, менда, айниқса, "ЎзМТДП фаолиятини такомиллаштиришда хотин-қизлар билан ишланган замонавий услублари" мавзусидаги маъруза катта таассурот қолдирди. Маърузадан олган билимларимизни фаолиятимиз давомида қўллашни ўз олдимга мақсад қилиб қўйдим.

**Абдулла НАБИЕВ,**  
**ЎзМТДП Қашқадарё**  
**вилоят Кенгаши Ижроия**  
**Қўмитаси девони бош**  
**мутахассиси:**

— ЎзМТДП фаолиятини янада такомиллаштиришга бағишланган мазкур ўқув-семинарнинг бир ҳафтага мўлжаллангани айна муддао бўлди. Чунки семинарнинг ҳар бир кунини биз учун алоҳида мақтаб вазифасини ўтади. Тақдим этилган маърузаларнинг ҳар бири бизни мушоҳадага қоралаб, фаолиятимизга яна бир бор танқидий назар билан қарашга туртки бериди. Семинар давомида маърузалар билан бир қаторда мавзу юзасидан тингловчилар фикр-мулоҳазаларининг ҳам тинглангани ўзаро тажриба алмашишимизга катта ёрдам берди.

**Чўлпоний АХМЕДОВА,**  
**ЎзМТДП Оқдарё туман**  
**Кенгаши "Ёшлар қаноти"**  
**етакчиси:**

— Бугун юртимизда барча соҳаларда улкан ислохотлар амалга оширилмоқда. Чунки, республикамизда ёшларга қаратилган эътибор давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Жумладан, партиянинг "Ёшлар қаноти" йўналишида ҳам бир қатор дастур ва режалар ишлаб чиқилди. Ушбу ўқув-семинар ЎзМТДП фаолиятини такомиллаштириш ва партиянинг истиқболига ижобий таъсир кўрсатади.

Семинарда кўтарилган мавзулар мавжуд муаммолар, уларнинг ечимлари, ҳудудий партия ташкилотларида олиб борилаётган ишларнинг ҳолати, уларнинг такомиллаштиришда муҳим аҳамият касб этиши шубҳасиз.

**Шоҳида МИРЗАЕВА,**  
**"Milliy tiklanish" мухбири**

# Миллий давлатчилигимизнинг ҳуқуқий асоси

**Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси Марказий Кенгаши, Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси ва Тошкент темир йўл муҳандислари институти ҳамкорлигида Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 20 йиллигига бағишлаб "Конституциямиз — миллий давлатчилигимизнинг ҳуқуқий асоси" мавзусида тадбир ўтказилди. Унда партия Марказий Кенгаши ва Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси аъзолари, ЎзМТДП Марказий Кенгаши Ижроия Қўмитаси девони ходимлари, "Ёшлар қаноти" ва "Ёшлар қаноти" етакчилари, Тошкент темир йўл муҳандислари институти профессор-ўқитувчилари ҳамда ёшлар иштирок этди.**

Тадбирни Тошкент темир йўл муҳандислари институти проректори Б.Зокиров кириш сўзи билан очиб, Конституциямиз том маънода мустақиллик рамзи, инсонпарвар қонун сифатида юртимизда амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотларнинг ҳуқуқий кафолати бўлиб хизмат қилиши ҳақида гапирди.

Ийғилишда сўзга чиққанлар Конституция ва қонунларда мустақамлаб кўйилган ҳуқуқ ва эркинликлар ҳамда мажбуриятларни тушунириш, тарғиб-ташвиқ қилиш, бу борадаги ишларни узлуксиз давом эттириш лозимлигига эътибор қаратишди.

— Истиқлол йилларида юртимизда инсон омили, унинг қонуний ҳуқуқ ва манфаатлари олий кадрият даражасига кўтарилди, - деди ЎзМТДП Марказий Кенгаши Ижроия Қўмитаси раиси ўринбосари Ж.Сафоев. — Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси Ўзбекистонда қонун устуворлигини таъминлаш, ҳар бир шахснинг Конституция ва қонунда кафолатланган ҳуқуқлари, эркинликлари ва манфаатларини тўлақонли рўйба рўй чиқариши ўзининг энг муҳим вазифаларидан, деб билади. Бу борада партиямиз то-

монидан ташкил этиб келинаётган ўқув-семинарлар, давра суҳбатлари, тадбир ва кўрик-танловлар аҳоли, айниқса, ёш авлоднинг сиёсий фаоллигини ошириш, жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтиришга хизмат қилиши шубҳасиз. Тошкент темир йўл муҳандислари институти билан ҳамкорликда ташкил этилган мазкур тадбир ҳам ушбу йўналишдаги ишларимизнинг манткий давомидир.

Тадбирда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитаси раиси, ЎзМТДП фракцияси аъзоси А.Маматов маъруза қилди. Нотик Юртбошимизнинг 2001 йил 4 январдаги "Ўзбекистон Республикаси Конституциясини ўрганишни ташкил этиш тўғрисида"ги фармойишига асосан бугунги кунда Қомусимиз мактабга таълим муассасаларидан тортиб, умумтаълим мактаблари, академик лицей ва коллежларда, олий ўқув юрtdарида ўқитилмоқда. Конституцияга оид қўлаб дарсликлар, рисола ва махсус қўламанлар нашр этилди ва уни ўрганишнинг узлуксиз тизими яратилди, деди.

**Қамолддин САИДУЛОВ,**  
**"Milliy tiklanish" мухбири**

# Бош ҳуқуқий ҳужжатимиз

## ЎзМТДП ТАШКИЛОТЛАРИДА ФАОЛ ТАРФИБ ҚИЛИНМОҚДА

**Тошкент Давлат Техника Университетида Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси Марказий Кенгаши ва "Ёшлар қаноти" шаҳарчаси Кенгаши ташаббуси билан "Ҳуқуқий демократик жамият қуришда Конституциянинг аҳамияти" мавзусида тадбир ташкил этилди. Унда ЎзМТДП Марказий Кенгаши ва Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси аъзолари, партия "Ёшлар қаноти" шаҳарчаси Кенгаши ходимлари, Тошкент Давлат Техника Университети профессор-ўқитувчилари, ёшлар иштирок этди.**

Тадбирда иштирок этган фракциямиз аъзолари Конституция барқарор бўлиши билан бирга, ҳаётга мос ва хос равишда, мамлакат тараққиёти, халқ истак-хоҳишига кўра ўзгартишлар киритилиб такомиллаштириб борилиши таъкидланди. Зеро, Конституция биз орзу қилган демократик ҳуқуқий давлат қуриш, адолатли, очиқ ва кучли фуқаролик жамиятини шакллантиришда муҳим қонуний ҳужжат ҳисобланади.

Тадбирда Президентимизнинг 2001 йил 4 январдаги "Ўзбекистон Республикаси Конституциясини ўрганишни ташкил этиш тўғрисида"ги фармойишига асосан бош Қомусимизни ўрганишнинг узлуксиз тизими яратилганлиги таъкидлаб ўтилди. Жумладан, бугунги кунда мактабга таълим муассасаларидан тортиб умумтаълим мактаблари, академик лицей ва касб-хунар коллежлари, олий ўқув юрtdарида ўқитилмоқда. Унга оид қатор дарслик ва қўламанлар нашр этилган.

— Бу каби тадбирлар ўсиб келаётган ёш авлоднинг Конституцияга ҳурмат, эл-юрtdга садоқат руҳида тарбиялаш, жамият ҳаётининг мезони бўлган Қомусимизни чуқур ва ҳар томонлама пухта ўрганиши, уни амалий ҳаётимизнинг доимий қўламанасига айлантириш борасида муҳим аҳамият касб этади, - деди ЎзМТДП "Ёшлар қаноти" шаҳарчаси Кенгаши раиси Музаффар Ниёзов. — Шунингдек, ёшларнинг сиёсий-ҳуқуқий билимларини оширишга хизмат қилади. Давлат рамзалари ва Конституциямизни умуммиллий гуруҳ ҳамда эҳтиром тиссоллари сифатида улуғлашни ва ардоқлашни ҳар томонлама тарбиялаш ЎзМТДПнинг дастурий мақсадларидан бири. Шу муносабат билан партия ташкилотларида Конституциямизни ўрганиш ва тарғиб этиш борасида қатор тадбирлар ташкил этиляпти.

**Мухтарама КОМИЛОВА,**  
**"Milliy tiklanish" мухбири**

## ҲАМКОРЛИК

**Мамлакатимизда оилавий тадбиркорликни ривожлантиришнинг барча ҳуқуқий асослари мавжуд. "Оилавий тадбиркорлик тўғрисида"зи Ўзбекистон Республикаси Қонуни эса тадбиркорликнинг янги ташкилий-ҳуқуқий йўналишини очиб берди.**

Ушбу қонуннинг айнан "Мустақам оила йили"да қабул қилинган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг гоятда муҳим шакли сифатида оилавий тадбиркорликни ривожлантириш, унинг норматив-ҳуқуқий базисини шакллантириш, оилавий корхоналарга берилган ҳуқуқий кафолатларни кучайтириш, иқтисодиётнинг турли соҳаларида оилавий бизнесни кенг тараққий эттириш ҳамда янги иш ўринларини ташкил этиш имконини берди.

Оилавий тадбиркорликнинг шарти шуки, унда оила аъзоларининг меҳнатидан баб-баробар фойдаланилади. Оилавий бизнес аҳиллик асосида қурилади. Унинг муваффақияти ўзаро уюшганликда, яъни ҳамма бир-бирига ёрдам беради. Бизнеснинг бу тури фарзандлар тарбиясида ҳам ўзининг ижобий самарасини бераётгани бугун ҳаммамизга аён ҳақиқатдир. Оила ворислари ўз ота-онасига ёрдам берар экан, ёшлигиданок меҳнат билан ошно бўлади, пешона тери

# Оилавий тадбиркорлар

## ФАРОВОН ТУРМУШ ГАРОВИГА АЙЛАНМОҚДА

эвазига топишган ризқнинг қадрига етади. Мана шундай оилавий тадбиркорлардан бири қувалик Нўмонжон ака Шодмонов ўн етти киши бўлиб оилавий тадбиркорлик ишини бошлаганлардан. Ҳозирда фарзандларининг уч нафари олий ўқув юрtdарида тахсил олишади. Ҳуқуқдан бўш пайтларига эса ота-онасининг қорига ярамоқда.

Фаргона шаҳрида яшовчи Фахриддин ва Гулбахор Холмировлар оиласи ҳам ўз ҳовлисида асосий ишдан ташқари опти бош қорамол боқади. Шу ернинг ўзида сут ва сут маҳсулотлари ишлаб чиқаришни йўлга қўйишган. Ўғли Фурад касб-хунар қол-

лежини битириб, маиший ускуналарни таъмирлаш устaxonасида меҳнат қилапти. Иккинчи ўғли Фаррух эса қолжа талаба-си. Маҳаллада бу оила кўмагидан баҳраманд бўлмаган бирордан. Ҳозирда фарзандларининг уч нафари олий ўқув юрtdарида тахсил олишади. Ҳуқуқдан бўш пайтларига эса ота-онасининг қорига ярамоқда.

Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси Фаргона вилоят Кенгаши "Ёшлар қаноти", "Қамолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати вилоят кенгаши билан ҳамкорликда ёш оилалар орасида оилавий тадбиркорликни ривожлантиришга кўмакла-

шиш йўлида қатор чора-тадбирлар кўрилмоқда. Жумладан, тадбиркорларга банк кредитларини олишда амалий ёрдам қўрсатиляпти. Натijaда вилоят ёшлари турли соҳаларда, айниқса, халқ хунармандчилигида ўзларини кўрсатиб, соҳа ривожига катта ҳисса қўшишмоқда.

Ҳудудда қулоччилик, чилангарлик, заргарлик, каштачилик каби йўналишлар билан бир қаторда тобора камайиб бораётган хат-тотлик, темирчилик, терига ишлов бериш сингари касб соҳиблари сони ҳам ортиб борапти. Қишлоқ ва шаҳарларда дурадгор, каштачи, мебелчилик каби хунармандлар маҳаллалари пай-

рилиши нафақат оилалар мустақамлигига, жамиятимиз ва мамлакатимиз тараққиётига ҳам ўзининг улкан ҳиссасини қўшмоқда. Шундай экан, аҳолининг оилавий тадбиркорликни ривожлантириш йўлидаги саъй-ҳаракатларини мунтазам равишда қўлаб-қувватлаб, рағбатлантириб бориш бизнинг вазифамиздир. Зеро, бу ЎзМТДП дастурида белгиланган оилавий бизнесни ривожлантириш, унга кўмаклаштириш каби мақсадлар билан ҳам уйғун ва ҳамохандир.

**Шерзод РАҲИМОВ,**  
**халқ депутатлари**  
**Фаргона вилоят**  
**Кенгашига ЎзМТДПдан**  
**сайланган депутат,**  
**"Қамолот" ЕИХ Фаргона**  
**вилоят Кенгаши раиси,**  
**Абдуназар**  
**ХУДОЙНАЗАРОВ,**  
**"Milliy tiklanish" мухбири**



# ПАРЛАМЕНТ

● ПАРЛАМЕНТ ҲАЁТИ

## Таълим сифатини янада ошириш

МАСАЛАСИ ФАН, ТАЪЛИМ, МАДАНИЯТ ВА СПОРТ МАСАЛАЛАРИ КҮМИТАСИДА КҮРИБ ЧИҚИЛДИ

*Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари кўмитаси томонидан “Умумий ўрта таълим, ўрта-маҳсус касб-хунар таълими учун мўлжалланган дарсликлар, ўқув қўлланмалари ва ўқув босма маҳсулотларининг сифатини яхшилаш” мавзусида давра суҳбати ўтказилди. Унда Қонунчилик палатаси депутатлари, ҳақ таълими, олий ва ўрта-маҳсус таълими вазирликлари мутасаддилари, олимлар, нашриётлар ва оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.*



Ўқитувчи-педагогларнинг фикри, таълим вазирликлари тақдим этган маълумотлар атрофлича ўрганилди. Бугунги кунда умумий таълим мактабларини дарсликлар билан таъминлаш деярли 100 фоизга тенг, ўрта-маҳсус касб-хунар таълими тизимининг бу борадаги эҳтиёжларини қондириш белгиланган меъёрлар даражасида. Аммо кўмитамиз томонидан олиб борилган назорат-таҳлил натижалари шуни кўрсатадики, ўқув қўлланмалари ва дарсликларнинг мазмун-моҳияти ҳамда сифатини ошириш, улардаги мавжуд хато-камчиликларнинг олдини олиш зарурлиги ҳали қилганиши лозим бўлган чора-тадбирлар кўлами кенглигидан дарак беради.

Йиғилишда амалдаги ёзув дафтарларининг ҳолати ва сифати борасида батафсил маълумотлар берилди. Иштирокчилар Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 18 августда “Истеъмол бозорини ёзув дафталари билан таъминлашни тартибга солиш чора-тадбирлари

тўғрисида”ги қарори таълим жараёни учун ишлаб чиқарилаётган босма маҳсулотлар сифатини янада яхшилаш, соҳага ихтисослаштирилган корхоналар фаолиятини такомиллаштириш ва уларни ҳар жиҳатдан рағбатлантиришнинг муҳим ҳуқуқий асоси сифатида амалиётга йўналтирилганлигини алоҳида эътироф этишди. Ушбу қарор ижроси юзасидан таълим муассасаларини ёзув дафталари билан таъминлашни такомиллаштириш мақсадида комплекс чора-тадбирлар дастури ишлаб чиқилганлиги таъкидланди. Ишлар чикарилаётган ёзув дафталари сифатини ошириш, ишлаб чиқарувчи корхона ва ташкилотлар фаолиятини такомиллаштириш, уларни қўллаб-қувватлаш, миллий маънавиятга зид ҳамда сифатсиз ёзув дафталари республикага келтирилиши ва сотилишининг олдини олиш, республика таълим муассасаларида фойдаланишни тақиқлаш ишларини кучайтириш маса-

лалари белгиланди. Тадбирда полиграфия фаолияти билан шуғулланаётган юридик шахслар учун четдан олиб келинган қороз хом-ашёларига 2012 йил 1 сентябрь ҳолатига 1 499,5 млн.сўм миқдоридан божхона тўловларини тўлашда имтиёзлар берилганлиги, бугунги кунда фаолият кўрсатаётган 1514 та матбаа корхонасидан 21 таси ўқув босма маҳсулотлари ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилганлиги таъкидланди. Янги чиқарилган “Шарқ” нашриёт матбаа компанияси, “Ўзбекистон”, “Ўқитувчи” ҳамда Ф.Ғулом номли нашриётлар ва “Aqena Holding интернейшнл” инглиз-ўзбек қўшма корхонаси йилга 200 миллион дона ўқув босма маҳсулотлари ишлаб чиқариш қувватига эга бўлди. Ўтган йилга нисбатан 2012 йилнинг шу даврида ёзув дафталари ишлаб чиқариш 53,1 фоизга кўпайди.

Бугунги кунда ёзув, қўндалик ва расм дафталарига ички бо-

зордаги эҳтиёж йилига 120-150 миллион донани ташкил этмоқда. Айни кунда ички бозорда стандарт талабларга жавоб берадиган 50 миллиондан зиёд ёзув дафталари мавжуд.

Сифатсиз ёзув дафталарининг Республикага келтирилишининг олдини олиш ва уларнинг сотилишини тақиқлаш ҳамда божхона қойдаларини бузиб олиб кирилишига қарши Божхона кўмитаси томонидан амалга оширилаётган тадбирлар натижасида 2012 йилнинг 8 ойи мобайнида 78 ҳолатда жами 1 млрд. 80,5 минг сўм миқдоридан босма маҳсулотларни республика ҳудудига ноқонуний олиб кирилишининг олдини олишди. Тадбир иштирокчилари томонидан Республика истеъмол бозорини, шу жумладан, таълим муассасалари ўқувчи ва талабаларини “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури” талабларига ҳамда миллий менталитетимизга, маънавиятимизга мос сифатли ёзув дафталари билан таъминлаш ишларини такомиллаштириш муҳимлиги таъкидланди.

Кўмита йиғилишида амалдаги дарсликларнинг тайёрланиши ва ўқувчиларга етказилиши масаласига алоҳида тўхталиб, бу борадаги камчиликлар очик-ойдин, асосли тарзда кўрсатиб ўтилди. Илмфан илдан ривожланиб, янги-янги илмий кашфиётлар қилинаётган бугунги тезкор замонда дарсликларни такомиллаштириб бориш каби долзарб муаммолар ўртага ташланди. Ҳар бир предмет бўйича дарсликдаги билим ва ахборот илмий педагогик жиҳатдан асосланган, икки хил талқин ва ёндашувлардан холи бўлиши, тақдим этилаётган ахборот ўқувчининг муайян ёшдаги ақлий ва жисмоний имкониятларига мос келиши, дарслик орқали олинаётган билимлар келажакда аниқ бир соҳа эгаси сифатидагина эмас, қўндалик ҳаётда ҳам қўлланилишини инобатга олиш зарурлиги таъкидланди.

— Дарслик дарслик учун эмас, балки улар орқали эгалланган билимни келгусида билор соҳада, қолаверса, қўндалик ҳаётда қўллаш, фойдаланишда эканлиги қондасини эсда тутиш лозим, — деди ЎзМТДП фракцияси аъзоси Урал Хаитов. — Шу маънода

ўқув дарсликларини ўқувчи ёшига мос ва соддалаштирилган ҳолатда тақдим этилиши фарзандларимиз биз кутгандек салоҳият ва билим эгаси бўлиб етишишлари муҳим восита ролини ўтайди.

Эътироф этилганидек, дарсликлардаги мавзуларнинг ўқув режа ва дастурга мос келиши, мавзулардаги изчилликнинг бу-

зилиши, айнан бир масала юзасидан турлича маълумот бериш ҳолатларини бартараф этиш эртага бошқа муаммолар юзасига келишининг олдини олади.

Тадбир иштирокчилари кўрилган масалалар юзасидан ўз муносабати, тақлиф ва тавсияларини билдирдилар. Улар асосида кўмитанинг тегишли қарори қабул қилинди.

**Эркин ЮСУПОВ, ЎзМТДП фракцияси аъзоси:**

— Бугунги кўмита йиғилишида кўрилган масалалар Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партиясининг сайловолди Платформасида белгиланган мақсадларига ҳамоҳангдир. Зеро, инсон омиллини такомиллаштиришга, миллий анъаналар ва ҳақон ютуқларини ҳисобга олган ҳолда таълим-тарбия тизимини янада ривожлантириш ва сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш орқали мамлакатнинг интеллектуал салоҳиятини мустаҳкамлашга қаратилган чора-тадбирлар ишлаб чиқилиши ва амалга оширилишини ЎзМТДП ўзининг дастурий мақсад ва вазибаларидан деб билади.

Республикамизнинг тегишли вазирлик ва идоралари билан ҳамкорликда истеъмол бозорини ёзув дафталари билан таъминлашни тартибга солишни янада яхшилаш учун миллий маънавиятимизга зид ахборот ва дизайнга эга бўлган ҳамда мавжуд меъёрий ҳужжатлар талабига жавоб бермайдиган, ўсиб келаётган авлод онгига, тафаккури ва тарбиясига салбий таъсир кўрсатадиган маълумотлар ва суратлар акс эттирилган босма маҳсулотлари ва ўқув анжомларининг республикага ноқонуний келтирилишининг олдини олиш ҳамда ички бозорни бундай турдаги маҳсулотлардан тозалаш, сотувга чиқарилган ўқув босма маҳсулотлари сифати юзасидан доимий мониторинг олиб бориш борасидаги чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Бунинг учун оила, маҳалла, таълим муассасалари, жамоатчилик ҳамкорлиги, мактаб ва ота-оналар ўртасидаги ҳамкорлик масалалари ҳамда маънавиятга зид, сифатсиз дафталардан фойдаланмаслик бўйича комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш, тушунтириш-тарғибот ишларини янада кучайтириш лозим.

**Азамат ЗИЁ, ЎзМТДП фракцияси аъзоси:**

— Миллий дастурда узлуksиз таълимга баҳо берилар экан, унинг кадрлар тайёрлаш тизимининг асоси, Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий-иқтисодий тараққиётини таъминловчи, шахс, жамият ва давлатнинг иқтисодий, ижтимоий, илмий-техникавий ва маданий эҳтиёжларини қондирувчи устувор соҳа, ижодкор, ижтимоий фаол, маънавий бой шахс шаклланиши ва юқори малакали рақобатбардор кадрлар тайёрланиши учун зарур шарт-шароитлар яратишга қаратилганлиги алоҳида урғу берилган. Ана шулардан келиб чиққан ҳолда айтиш мумкинки, айрим дарсликларда номунасонийликлар мавжуд. Яъни, битта факт иккита манбада икки хил талқин қилинган. Бу ҳолат олийгоҳларга киришдаги давлат тест имтиҳонларида абитуриентлар учун ноқулайлик туғдиради. Бундан ташқари, баъзи ўқув дарсликларни ўқувчининг ёшига мос бўлмаган тарзда мураккаб мавзуларда, қийин тилда ёзилган. Бу ҳолат эса ўқувчиларнинг дарсларни ўзлаштиришга салбий таъсир кўрсатади. Шу боис ўқув дарсликларини тайёрлашда энг аввало ўқувчиларнинг ёш кўрсаткичи инобатга олиниши ҳамда тилини соддалаштиришга ҳам алоҳида эътибор бериш зарур. Қолаверса, йиғилишда иштирокчилари дарсликларни тайёрлашда унинг мазмуни, дизайни ва экспертизасига алоҳида эътибор қаратиш лозимлигини таъкидлашди. Дарсликларнинг экспертизасида вилоятлардан ҳам кучли педагогларни, ўз мутахассислигининг билимдони бўлган ўқитувчиларни жалб қилиш, бу борада улардан унмлли фойдаланиш масаласини кўриб чиқиш тақлифи киритилди. Шунингдек, бу масала ЎзМТДП дастурий мақсадларига ҳамоҳанг эканлиги партияимиз фракцияси зиммасига ҳам масъулият юклайди.

Муҳтарома КОМИЛОВА, “Milliy tiklanish” мухбири

● ДАВРА СУҲБАТИ

## Аҳолининг сиёсий ва фуқаролик фаоллиги уни оширишда ОАВ муҳим ўрин тутди

— Кенг қамровли демократик ислохотларни амалга ошириш даврида аҳолининг сиёсий ва ҳуқуқий маданияти, сиёсий ва фуқаролик фаоллигини ошириш масалалари долзарб ва устувор аҳамиятга эга. Табиийки, ушбу жараёнда ОАВ фуқаролик сиёсий фаоллигини юксалтириш, уларни ижтимоий-сиёсий ҳаётга кенг жалб қилиш бўйича олиб борилаётган демократлаштириш ва либераллаштириш ислохотларидаги ҳаракатлантирувчи кучдир. Айнан шунинг учун ҳам, мустақиллик йилларида ОАВни либераллаштириш, мустақиллигини мустаҳкамлаш, уларнинг жамиятимиз сиёсий ва маънавий ҳаётидаги роли ва аҳамиятини кучайтириш соҳасида кенг қамровли ишлар амалга оширилди. Жумладан, ахборот соҳасининг изчил, эркин ва динамик ривожланиши бўйича мустаҳкам қонунчилик, норматив-ҳуқуқий база яратилди. ОАВни янада демократлаштириш ва либераллаштириш, амалга оширилаётган сиёсий-ҳуқуқий ва ижтимоий-иқтисодий ислохотлар очиклиги ва ошқоралигини таъминлашга бевоқиф қаратилган ўндан ортиқ қонунлар қабул қилинган.

Мустақил босма ва электрон ОАВ фаол шаклланди. Фикрлар хилма-хиллигини таъминлаш, аҳолининг сиёсий маданиятини янада юксалтиришга имкон берувчи

партия матбуоти ривожланмоқда. Мамлакатимизда бугунги кунда 1250 дан ортиқ босма ва электрон оммавий ахборот воситалари фаолият кўрсатмоқда. Уларнинг 60 фоизи давлатга қарашли бўлмаган ва республикамизнинг ҳудудларида фаолият кўрсатадиган оммавий ахборот воситаларидир.

Бугунги кунда деярли барча давлат ва ҳужалик бошқаруви органлари Интернет тармоғида ўз веб-сайтларига эга. Доимий равишда янгиланаётган ва он-лайн режимда ишлайдиган веб-сайтлар сонини кўпайтириш орқали нафақат республика аҳолиси, балки мамлакатимизда олиб борилаётган ислохотлар тўғрисида халқаро ҳамжамиятнинг зарур ахборот олиш даражасини ошириш учун шароитлар яратилмоқда. Ўрни келганда таъкидлаш жоизки, бугунги глобаллашув жараёнида ёшларимизни турли кўри-нишлардаги ахборот хуружларидан ҳимоялаш, уларни миллий кадрият, аънава ва маънавий меросимизга ҳурмат руҳида тарбиялашга кўмаклашиш ЎзМТДПнинг сайловолди Платформасида белгиланган устувор вазибалардан саналади. Бу борада оммавий ахборот воситалари муҳим ўрин тутиши сир эмас. Шу боис журналистика мактабини ривожлантиришнинг қўнчиликл механизларини янада мустаҳкамлаш

фракцияимиз аъзоларининг диққат марказида бўлиб келмоқда.

Жамиятда рўй бераётган ўзгаришлар ва янгилишни жараёнида биринчи галда матбуотда ўз аксини топади. Айнан шунинг учун ҳам оммавий ахборот воситалари одамлар ўз фикр ва фикрларини, содир бўлаётган воқеалар ҳамда амалга оширилаётган ислохотларга ўз муносабатини эркин ифода этадиган минбар бўлиши лозим. Йиғилишда сўзга чиққанлар давлат органлари ва фуқаролик жамияти институтлари ўртасида самарали ҳамкорликни таъминлаш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини амалга ошириш, ҳуқуқий демократик давлат қуриш ва фуқаролик жамиятини шакллантиришда ОАВнинг ролига эътибор қаратишди.

Давра суҳбатида эътироф этилганидек, мустақиллик йилларида фуқароларнинг сиёсий-ҳуқуқий онгини ошириш борасида рўёбга чиқарилган ижобий ўзгаришлар ҳамда ушбу йўналишда қўлга киритилган муваффақиятларда Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан илгари сурилган “Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада қучураштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепцияси” дастуриламал вазибаларини ўтамоқда.

Тадбир конструктив мулоқот, фикрлар ва тажриба алмасуви руҳида ўтди. Йиғилиш иштирокчиларига юртимизда амалга оширилаётган демократик ислохотлар, аҳолининг сиёсий-ҳуқуқий маданияти, сиёсий ва фуқаролик фаоллигини ошириш, жамиятда инсон ҳуқуқларини маданиятини шакллантириш йўлида изчил ҳаракатлар ва қабул қилинаётган чоралар тўғрисида батафсил ахборотлар берилди.

Давра суҳбати янгуллари бўйича тегишли тавсиялар ишлаб чиқилди.

Ўз мухбиримиз

● КОНФЕРЕНЦИЯ

*Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари кўмитаси томонидан “Конституция ва касба уюшмаларининг давлат ташкилотлари билан ҳамкорлиги” мавзусида илмий-амалий конференция ташкил этилди. Унда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари, Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерацияси ҳудудий ва тармоқ кенгашлари масъул ходимлари ва оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.*

## Инсон манфаатлари

ҚОНУН ҲИМОЯСИДА

Конференцияни Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари кўмитаси раиси, ЎзМТДП фракцияси аъзоси А.Саидов кириш сўзи билан очиб, Конституцияимиз том маънода мустақиллик рамзи, инсонлар ҳомуси сифатида юртимизда амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотларнинг ҳуқуқий қафолати бўлиб хизмат қилишини таъкидлади. — Мазкур конференцияни ўтказишдан мақсад мамлакатимизнинг Бош Қомуси, юртимизда амалга оширилаётган демократик ислохотларни янги поғонага кўтарган Концепциянинг долзарб сиёсий-ҳуқуқий аҳамиятини янада кенгроқ тарғиб этиш, галдаги вазибаларни янада аниқ белгилаб олишдан иборат, — деди нотиқ.

Йиғилишда фуқароларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишда касба уюшмаларининг ўрни ва ролига эътибор қаратилди. Эътироф этилганидек, бугунги кунда Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерацияси тизимиде 11 та тармоқ касба уюшмалари, 14 та касба уюшмалари ташкилотлари ҳудудий бирлашмалари, 49 та бирлашган кўмиталар, 668 та туман кенгашлари, 126 та вилоят кенгашлари, 33 минг 355 та бошланғич ташкилотлар фаолият кўрсатмоқда. Маълумки, Асосий Қонунимизда инсон Омилли олий кадрият саналади. Бош қомусимизга таянган ҳолда инсон манфаатларини ҳимоя қилиш ва уларнинг яхши яшашлари учун касба уюшмалари томонидан 2012 йилда Жамоа

шартномалари ва келишувлари орқали 9 минг 889 нафар фуқаро ва 42,9 мингта оилага 17 млрд. 291 млн. 363,1 минг сўмлик ижтимоий кўмак берилган.

Конференцияда Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва ўзини ўзи бошқариш органлари кўмитаси ва ЎзМТДП фракцияси аъзоси Қ.Одилов “Конституция ва фуқаролик жамияти институтлари тараққиёти” мавзусида маъруза қилди. — Истиклол йилларида амалга оширилган босқичма-босқич ва изчил ислохотлар туфайли мамлакатимиз ўз тарихий тараққиётининг янги босқичига қадам қўйди. Бунда Ўзбекистон Республикаси Конституцияси дастуриламал бўлди. Эътироф этиш жоизки, инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилишга нисбатан ЎзМТДП маданий-тарихий анъаналарни тиклаш, халқ таълими тизимини ривожлантириш ва ватанпарварлик туйғусини тарбиялаш орқали маънавий-ахлоқий тикланиш нуктаи назаридан қарайди.

Тадбирда сўзга чиққан ЎзМТДП фракцияси аъзоси А.Эшмуродов ҳамда Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерацияси раиси Т.Норбоевалар Конституциянинг ҳаётимиздаги ўрни ва аҳамиятини тўхталиб, бундай тадбирларнинг ташкил этилиши келгусида фуқаролик жамияти институтларининг янада ривожланишида амалий аҳамият касб этишини таъкидладилар.

Ш.ДАМАНОВА, “Milliy tiklanish” мухбири

# МАЪНАВИЯТ

● **ЖАРАЁН**

**Бола — азиз, тарбияси ундан азиз, дейди доно халқимиз. Дарҳақиқат, фарзанд тарбиясида оқсоқлик ва бепарқликка йўл қўйиб бўлмайди. Чунки, бола зийрак, қизикувчан ва тақдирга мойил бўлади. Шу боис, она-оналаримиз улардан-да зийракроқ, эътиборлироқ ва масъулиятлироқ бўлишлари лозим. Ўтган асрнинг 90-йиллари ўрталарида ёшларнинг сеvimли машғулотлари асосан musiқа тинглаш ва телекўрсатувлар кўриш бўлган. Ҳозир эса ёшларнинг бу машғулот ўрнини компьютер ва интернет эгаллади. Ёшларнинг 70 фоизи ўз қизиқиши ва сеvimли машғулотлари ҳақида сўз борганда компьютер технологиялари ва интернетни биринчилар қаторида тилга олишади.**

ши учун зарур бўлган танқидий фикрлаш ва шу асосда маълумотларни фарқлаш, ажрата билиш, бошқача айтганда, "фильм-тирлай" олиш қобилиятига эга эмас. Шу сабабли интернетдан ёлғиз қолганда ҳам фойдаланиш эҳтимоли бўлган болани қаттиқ назорат остига олиш унга ўзи ҳақидаги шахсий маълумотларни интернет орқали танишган одамларга айтмаслики ўргатиш зарур. Сўнгги пайтларда интернет орқали таъкиб этиш ёки ил-

қўйиши ёки кераксиз бўлганини ўтказиб юбориши мумкин. Ҳозирги кунда кўплаб мамлакатларда интернетдан фойдаланиш кўникмалари факультатив дарслар орқали мустаҳкамланмоқда. Болалар дарслар воситасида интернетдаги маълумотлар қанчалик ҳаққоний эканлигини текширишни ўрганади. Бундай дарслар айниқса ўсмирлар учун зарур. Интернетда гриффиндан ташқари ўсмир ёшлар учун яна бир қанча хавфлар ҳам

асосий вазифаси ота-оналарни фарзандларини тармоқда қутаётган кўнгилсизлик ва хавфли муносабатлар ҳақида огоҳлантириш, кибермақонда болаларни нотўғри ахборотлардан ҳимоялаш ва сўз эркинлигини таъминлашдан иборат. Ота-оналарга мавжуд муаммолар юзасидан маслаҳат, кўмак берадиган киберфаришталар (Cyberangels) — интернетда болалар ҳуқуқини ҳимоя қилишга йўналтирилган. Хусусан, Болаларни

айланиб қолган эди. Шу тариқа MSNнинг бепул чатлари Европа, Яқин Шарқ, Африка, Осиё ва Лотин Американинг кўплаб мамлакатларида ўз фаолиятини тўхтатди. Уларнинг ўрнига Microsoft Messenger тезкор хабар алмашишни тизими жорий қилиндики, эндиликда бу хизматдан фойдаланиш учун шахсий маълумотларни киритиш асосида рўйхатдан ўтиш талаб этилади. Буюк Британияда шовшувга сабаб бўлган зўравонлар

дида бир қатор тадбирлар, илмий-амалий конференциялар ўтказилди. Шундай тадбирлар мобайнида мактаблар, академик лицей ва касб-ҳунар коллежларининг 30 минг нафар ўқувчиси замонавий ахборот технологиялари ва интернет тармоғидан фойдаланиш бўйича ўқитилди. Ёшлар маънавиятига таҳдидлар компьютер ўйинларида ҳам намойён бўлади. Айрим хорижий компьютер ўйинлари зўравонлик, ваҳшийлик, ахлоқсизликни тарғиб этади. Ўйин кодсига кўра, одам ўлдирганга очко берилади, бузғунчилик қилган мукофотланади. Бу ёш авлод тарбияси, дунёқарши ва маънавиятига салбий таъсир ўтказмай қолмайди.

## Маънавий хуружлар

УЛАРГА МУКОБИЛ БЎЛА ОЛАДИГАН ФОЙДАЛИ ДАСТУРЛАР ЯРАТИШ — ДАВР ТАЛАБИ

мий тилда айтадиган бўлсак, гриффин ҳолатлари кўп кузатиламоқда. Бу каби тармоқ берилигининг энг биринчи қурбонлари айнан ёшлар қатлами, хусусан, ўсмирлар ҳисобланади.

Бир қарашда беозор туолган чат хоналари ёки махсус мулоқот дастурлари орқали кечадиган суҳбатлар тафаккури энди шаклланаётган болаларни баъзан жиноятга ундаётгани ҳаётий ҳақиқат. Гриффин билан шуғулланадиганлар ёки гриффинлар замонавий ёшларнинг қизиқишларидан яхшигина хабардор бўлишади. Онлайн конференция, форум хоналарида исталган мавзуда суҳбат юритиш, унинг воситасида айримлар ўзини ҳар қандай муаммони осонгина хал қилиб берадиган киши сифатида кўрсатиши мумкин. Қолаверса, веб тармоқда анонимлики сақлаш орқали қисқа фурсатда ёшларнинг ишончига кириб олиши ҳеч гап эмас. Гриффин билан курашишнинг энг оддий усули — компьютерга махсус тақиб дастурлари (энг машҳурлари Киберпатруль ёки Кидсконтролни ўрнаттириш. Шундан зарарли манбалардан келадиган барча хабарлар автоматик тарзда филтрланади ёки ота-она томонидан киритилган чеклов тўғрисида ўзи учун қизиқ бўлиб туолган ахборотни автоматик тақиб сабаб ололмайди. Бироқ, бундай дастурларнинг ҳаммаси ҳам хавфсизлигини тўлиқ кафолатлай олмади. Чунки улар базидда фойдали ахборотни чеклаб

бор. Яъни болалар ва интернет муаммоси тобора чуқурлашиб бораётган бир пайтда, экстремистик характердаги секта ва уюшмалар сайтларининг фойдаланувчи учун очиклиги, виртуал фирибгарларга кенг йўл берилганини ҳам эътибордан четда қолдириб бўлмайди. Болаларнинг қизиқувчан табиати уларни юқорида тилга олинган сайтларга кириши, руҳий ёки жисмоний соғлиғига хавф солувчи маълумотларни кўришига олиб келиши табиий. Электрон почта манзиллари орқали олинган хабарлар кучли руҳий таъсир ўтказиб, болаларни интернет доирасида ва ундан ташқарида ҳам жиноятга ундаши ҳеч гап эмас.

Глобал тармоқ фойдаланувчилари нисбатан кўп бўлган Беларусда бу каби муаммолар қатор янги касбларни ҳам вужудга келишига туртки беради. Янги турдаги мутахассисларнинг вазифаси оилада интернетдан фойдаланиш маданиятини жорий этадиган ҳамда болаларга психологик, маънавий жисмоний зарар етказмайди, очик ва хавфсиз ахборот маконини яратибдан иборат. Шунингдек, кўплаб жамоат ташкилотлари, нодавлат ташкилотлар ва хусусий компаниялар ўз фаолиятини интернетнинг болаларга таъсири ва ундан бўладиган зарарининг олдини олиш усуллари қаратилмоқда. Жумладан, интернет мазмунини баҳолаш ассоциацияси (ICRA) мустақил халқаро ташкилот бўлиб,

асрайлик (Save the Children) халқаро ҳуқуқий ташкилот ўтказган сўровномалар натижасига кўра АКШдаги 15-17 яшар ўсмирларнинг 85 фоизи интернетдан мунданам кўпроқ фойдаланади. Коммуникация тадқиқоти ассоциацияси маълумотларига кўра, ўсмирлар катта ёшдагиларни 2004 йилдаёқ интернетдан фойдаланиш бўйича ортда қолдирган. Испаниянинг Болаларни ҳимоя қилиш агентлиги тадқиқотлари натижалари шуни кўрсатадики, интернетдан доириний фойдаланувчи болаларнинг 44 фоизи виртуал мулоқот пайтида ҳеч бўлмаганда бир марта, 11 фоизи эса бир неча бор таъкиб остига олинган. Сўровларда иштирок этган ёшларнинг 14,5 фоизи интернет орқали нотаниш одамлар билан учрашув белгиланган, 10 фоизи бундай учрашувларга ёлғиз борган, 7 фоизи бу ҳақда ҳеч кимга ҳеч нарса айтмаган. Дунё микробсинда 38 фоиз бола зўравонлик руҳдаги сайтларни, 26 фоиз бола миллатчилик характердаги веб-саҳифаларни мунтазам кузатиб бориши маълум бўлган. Утган йиллар давомида «Майкрософт» (Microsoft) 28 давлатда ўзининг чат хоналарини ёпишишни маълум қилди. Бу ҳаракат болалар муаммолари билан шуғулланувчи ҳуқуқ тартибот ҳамда хайрия ташкилотлари томонидан тўлиқ қўллаб-қувватланди, чунки эркин ва назоратсиз форум хоналар, спам вирус ва ахлоқсиз ахборотни тарқатиш манбаига

устидан ўтказилган суд жараёнларининг камида 26 тасида қурбонга айланган болалар таъкибчилар билан виртуал мулоқот орқали танишгани аниқланган. Замонавий технологияларнинг тез суръатда ўсишига қарамай, одамлар баъзан улардан оқилна фойдаланиш кераклигини англаб етмайди. Компьютер ва интернетга бўлган даврдан ўсиб-ўлғайган аксарият ота-она ва муаллимлар агар бола интернетдан фойдаланса, албатта, фойдасидан кўра зарари кўпроқ, деб ўйлайди. Болани компьютер ёки интернетдан чалғитиш ҳаракати замирида аслида бошқа муаммо, яъни катталарнинг бу масалага эътиборсизлиги аниқланган. Агар катталарнинг ўзлари аввал технологиянинг сир-асрорларини ўрганиш масаласига жиддийроқ ёндашиб, уни бартараф этишса, мақсадга мувофиқ бўларди.

Бугун мамлакатимизда ана шундай таҳдид ва хавф-хатарларнинг олдини олиш мақсадида миллийлигимиз акс этган, юртимиз тарихига бағишланган янги веб-ресурслар ташкил этилмоқда. Масалан, жорий йилнинг ўзида «ZivoNET» тармоғи 1,7 мингдан ортиқ мақола ва 3,2 мингдан зиёд ахборот билан бойитилган. Унда берилган кўплаб маданий-маърифий, илмий ва оммабоп мақолалар, ўқув материаллари ва бадий китоблардан турли касб эгалари кенг фойдаланмоқдалар.

Мазкур тармоқнинг имкониятларини тарғиб қилиш саба-

бу каби маънавий хуружлар кўпайгани сайин уларга муқобил бўла оладиган фойдали дастурларни яратишни замон талаб қозо этмоқда. Шу мақсадда яқинда бўлиб ўтган «ICTExpo - 2012» ахборот-коммуникация технологиялари ҳафталигида юртимиз мутахассислари томонидан яратилган учта компьютер ўйини намойиш этилди. Ўзбек ва рус тилларида ўйналадиган «Звездочет» ана шундай ўйинлардан бири. «Астрономия нимани ўргатади?», «Мирзо Улуғбек ким бўлган?», «Биринчи космик тезлик» каби саволларни мужассамлаштирган бу ўйин компьютер қаршида ўтирган йигит-қизларнинг вақтини мазмунли ўтказиш билан бирга астрономияга оид билимларни бойитиш, Ватанимиз тарихини ўрганиш, миллий ифтихор туйғуларини шакллантиришга хизмат қилади.

Интернет билим ва керакли ахборотни олиш учун улкан имкониятлар яратади, бироқ тармоқда жойлаштирилган катта ҳажмдаги ахборотнинг барчасини ҳам ишончи ва фойдали, деб бўлмайди. Фойдаланувчилар маълумотларнинг тўғрилигини аниқ ажрата билишлари учун болаларни кенг доирадаги манбалардан фойдаланишга йўналтириш, фактларни фикрлардан фарқлаш, тўғрилиги тасдиқланмаган ахборотдан ҳимояланишга ўргатиш, айниқса, танқидий фикрлаш қобилиятига эга бўлиши муҳим аҳамиятга эга.

Дилфуза РЎЗИЕВА,  
«Milliy tiklanish» муҳбири

● **МАТБУОТ АНЖУМАНИ**

### “Ўзбекистон почтаси”

**АЛОҚА СОҲАСИНИ ЗАМОНАВИЙЛАШТИРИШ, АХБОРОТ-КОММУНИКАЦИЯ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ НЕГИЗИДА ХИЗМАТЛАРИНИ ЯНГИ ТУРЛАРИНИ ЖОРИЙ ЭТМОҚДА**

*Миллий матбуот марказида “Ўзбекистон почтаси” ОАЖ аҳолига хизмат кўрсатиши сифатини янада яхшилаш борасида белгиланган устувор вазифалар, ахборот коммуникация воситаларидан кенг фойдаланиш борасида олиб борилаётган ишлар ҳақида матбуот анжумани ўтказди.*

Матбуот анжуманида “Ўзбекистон почтаси” ОАЖ бош директорининг биринчи ўринбосари Хатира Таджибаева, Ахборот коммуникация технологиялари маркетинг ва янги хизмат турларини жорий этиш ишлаб чиқариш участкаси бошлиғи Сарвар Норматов ва бошқалар сўзга чиқди. Жумладан, улар почта алоқаси соҳасини замонавийлаштириш, ахборот-коммуникация технологиялари негизда хизматларнинг янги турларини жорий этиш ва ривожлантириш, почта алоқаси соҳасини ривожлантириш бўйича 2013 йилдаги вазифалар ҳақида атрафлича фикр юритдилар.

— “Ўзбекистон почтаси” ОАЖ 2005 йилдан бошлаб Бутунжаҳон почта иттифоқининг IFS молиявий тизимига 14 та филиал билан электрон пул ўтказмалари тизими ишга туширилган бўлиб, бугунги ушбу тизимга 945 та почта алоқаси объектлари боғланган. Халқаро электрон пул ўтказмалари хизматини ташкил этиш мақсадида бир қатор хорижий давлатлар билан ҳамкорлик йўлга қўйилди. Жорий йилда “Ўзбекэнерго” ДАК томонидан республиканинг барча ҳудудда электр энергиясидан фойдаланувчилар билан ҳисоб-китоб учун автоматлаштирилган биллинг тизими жорий этилди. Ушбу тизимда “on-line” режимида маълумотларни алмашишни йўлга қўйиш мақсадида Жамият томонидан яратилган мавжуд дастурнинг модернизация қилиш бўйича ишлар олиб борилди ва “Ўзбекэнерго” ДАКнинг биллинг тизимига мувофиқлаштирилди. Ҳозирда ушбу тизим “Тошкент почтамати” филиалининг бош почтаматида тест синовидан ўтказилмоқда, - деди Х.Таджибаева.

Анжуманда таъкидланганидек, ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш бўйича 2005-2011 йиллар давомида почта алоқаси

шаҳобчаларини замонавийлаштириш, ахборот-коммуникация технологиялари негизда хизматларнинг янги турларини жорий этиш ва ривожлантириш дастурининг бажарилишини таъминлаш учун жами 10 929,6 млн. сўм маблағ сарфланди. Шундан, Жамиятнинг ўз маблағлари ҳисобидан 7 858,7 млн. сўм (кредит тўлиқ қайтарилди) ва АКТРЖ кредит маблағлари ҳисобидан 1 796,9 млн. сўм ва бегараз маблағлари 1 274,0 млн. сўм, шундан 729,0 млн. сўм маблағ почта хавфсизлигини мустаҳкамлаш учун йўналтирилган.

Почта алоқа соҳасини ривожлантириш ҳақида сўз борар экан, С.Норматов шундай деди: — Келгусида почта алоқа бўлимларини иш ўринларини автоматлаштириш ва мавжуд бўлган тизимларни кенгайтириш мақсадида 500 та алоқа бўлимларини компьютер техникаси билан таъминлаш, “Обуна” автоматлаштириш тизимини кенгайтириш, жумладан, 2013 йилда “Тошкент почтамати” филиали ва унинг 162 та почта алоқа объектлари, 14 та ҳудудий филиал ва 174 та почта алоқа тармоқлари, 2014-2015 йилларда эса туман марказида жойлашган алоқа бўлимлари билан боғлиқ режалаштирилган. Бундан ташқари, келгуси йилда Жамият таркибидagi барча филиалларда хизмат кўрсатиш турларини кенгайтириш ва кўшимча даромадларни ошириш мақсадида сугурта компаниялар билан ҳамкорлик ишлари йўлга қўйилади.

Жамият веб-сайтида жойлаштирилган ахборот-ресурслар аҳолига хизмат кўрсатиш сифатини янада яхшилашга хизмат қилмоқда. Айниқса, почта индекслари, почта хизмати тарифлари, рўйхатга олинувчи халқаро кирувчи почта жўнатмалари ҳақида интернет орқали маълумот олиш, рўйхатга олинувчи, кирувчи ва чиқувчи тезкор почта жўнатмалари ҳақида интернет орқали маълумот олиш, аҳоли яшаш пунктларининг алфавитли рўйхати, почта хизматидан фойдаланувчилар учун маълумотлар (банкларни тўлдириш намуналари) берилгани аҳолига янада қулайлик туғдириши шубҳасиз.

Анжуманда ОАВ вакилларини қизиқтирган саволларга “Ўзбекистон почтаси” мутахассислари томонидан жавоблар берилиб, айрим масалалар бўйича тушунчалар кенгайтирилди, аниқликлар киритилди.

Ҳасан АБДУНАЗАРОВ

Реклама

## “KARMANA FENIKS”

### ХУСУСИЙ КОРХОНАСИ ЖАМОАСИ

Барча ҳамюртларимизни, фидокорона меҳнат қилаётган ҳамкасбларимизни мамлакатимиз

# Конституцияси кунини

билан муборакбод этади.

Сизларга тинчлик, узоқ умр, сиҳат-саломатлик тилайди!

**БАЙРАМ МУБОРАК, АЗИЗ ЮРТДОШЛАРИ!**



# КЎЗГУ

**ЎЗЛИК**

## Миллий қадриятлар кўзгуси

**МУЗЕЙ ҲАМ БОЙИБ, ҲАМ КЕНГАЙИБ БОРМОҚДА**



Тарихий ўтмишимизнинг энг ажойиб намуналарини ўзида мужассам этган музейлар бугунги кунда миллий маънавиятимизнинг узвий қисмига айланди. Мустақиллик йилларида юртимизда бой тарихимиз, аجدодларимизнинг кундалик турмуши ва маънавий мероси ҳақида ҳикоя қилувчи музейлар янгидан юз очди. Ана шундай музейлардан бири Навоий вилоятининг Қизилтепа тумани марказида жойлашган туман тарихий ўлкашунослик музейидир. Истиқлол шарофати билан 1993 йилда қайта ташкил этилган ушбу маскан бугунги кунда туман тарихи, ўзига хос табиати ва маҳаллий аҳоли анъана, удум ва қадриятларини ўрганишга хизмат қилмоқда.

яв та туман ҳокимлиги кўрсатмасига асосан мутасадди ташкилотлар кўмағида музей ва унинг атрофидаги маънавий иштироқат боғи капитал таъмирдан чиқарилди. Бинонинг ташқи ва ички кўринишлари тубдан ўзгартирилиб, замонавий қиёфага келтирилди. Айни пайтда мазкур музейда халқ амалий санъати намуналари, тарихий-археологик, маиший-этнография аҳамиятга молик ашёлар, ёзма манбалар ва ҳужжатлар, шунингдек, маҳаллий хунармандчилик маҳсулотларидан иборат 1031 та экспонат сақланмоқда.

Ўтган давр мобайнида музей ходимлари ва мутахассислар томонидан халқимизнинг бой тарихий мероси намуналарини тўплашга эришилди. Музей фондиди бойитиш мақсадида туманнинг Зарметан, Оқмачит ва Вангози масканларидан топилган ашёлар ўрганилиб, тарихий аҳамиятга эга бўлган 183 та экспонат келтирилди. Жумладан, Зарметандан 70 дона, 12-сонли ўрта мактабдан 113 дона маиший уй-рўзгор буюмлари, полотно чизмалар, маҳаллий фаунага оид ҳайвонларнинг макетлари сингари ноёб буюмлар келтирилиб, музей фондига топширилди.

— Экспонатларни тўплаш ва музейга келтиришда ташкилот ва муассасалар, маҳаллий



зиёлилар, мутахассислар ва ёшлар ташаббус кўрсатишмоқда, — дейди ўлкашунослик музейи экскурсия раҳбари ва фонд сақловчиси Олия Халилова. — Масалан, шу йили Қизилтепа туманидаги «Ҳафт-қориён» маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудда жойлашган Арабонтена харобаларидан топилган хум музей хазиналари қаторидан жой олди. Ушбу ноёб топилма маҳаллий мутахассислар томонидан XVI асрга таълуқли, деб эътироф этилди.

Бундан ташқари маҳаллий хунармандлар томонидан тақдим этилган тарихий аҳамиятга эга буюмлар ҳам анчагина. Улар орасида асрлар бўйи бизгача етиб келган ва бугунги кунда йўқолиб бораётган, ҳудудга хос анъаналарни ўзида акс эттирган Зебо Рустамованинг каштачилик намуналари, Ҳадиҷа Воҳидованинг зардўзлик ишлари, Арабон қишлоғи тўқувчиларининг адрас матолари, тошработлик усталарнинг те-

мирчилик, тавоислик хунармандларнинг кулолчилик ва чинни маҳсулотларини учратиш мумкин. Экспонатларни янада кўпайтириш мақсадида жорий йилда мутасадди ташкилотлар томонидан 6 млн. сўм миқдорда маблағ ажратилган бўлиб, бу орқали аҳолидан тарихий буюмлар, амалий хунармандчилик маҳсулотларини сотиб олиш режалаштирилган.

Музей жамоаси томонидан турли тадбирлар, кўргазмалар мулоқотлар, учрашув ва кечаларнинг мунтазам ўтказиб борилиши ҳамда жойларда кўчма кўргазмаларнинг ташкил этилиши кенг жамоатчиликнинг эътиборини тортмоқда. Айниқсан, жорий «Мустақкам оила йили» муносабати билан ишлаб чиқилган чора-тадбирлар дастурига мувофиқ музейга оилавий ташрифларни кўпроқ уюштиришга алоҳида эътибор қаратилгани диққатга сазовор. Амалий фаолият самараси ўлароқ, музейни республика

миқёсида оммалаштириш, хорижий сайёҳларни жалб этиш ва бу орқали туманда маҳаллий ва халқаро туризмни ривожлантиришнинг уфқлари кенгаймоқда.

Туман тарихий ўлкашунослик музейи ва Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партияси Қизилтепа туман Кенгаши ўртасида ўзаро ҳамкорлик алоқалари яхши йўлга қўйилган. Партия томонидан ташкил этилаётган тадбирлар, форум, анжуман ва конференцияларда музей фондидан ўрин олган туман тарихига оид экспонатлар, миллий хунармандчилик маҳсулотларининг кўргазмалари ташкил этиб борилади. Шунингдек, партия туман Кенгаши «Ёшлар қаноти» ташаббуси билан ҳудуд ёшларининг музейга ташриф буюриши тез-тез ташкил этиб турилади.

Ўлкашунослик музейининг туман марказидаги иштироқат боғида жойлашганлиги ҳам ўзига хос рамзий маънога эга. Ҳузурбахш табиат, жўшқин фаввораларнинг замонавий қиёфасига мутаносиб равишда узоқ ва яқин тарихимиздан сўзловчи бу маскан ўтмиши буюк юртининг эртаси ҳам порлоқ эканлигига ишора қилиб тургандай, десак муболаға бўлмайди. Маданий ҳордиқ чиқариш ва бўш вақтини мазмунли ўтказиш мақсадида ташриф буюрганларнинг аксарияти, албатта, музейга киришди. Улар миллий қадриятларимиз кўзгуси ҳисобланган манбалардан хабардор бўлиб, олам-олам таассуротларга эга бўлишлари, ўзлари яшаб турган юрт тарихи билан фахрланишлари, алалоқибат, бугунги ва эртанги кунимизга дахлдорлик туйғусининг шаклланиши шубҳасиз.

**Нурали ЖАМИЛОВ,**  
**ЎЗМТДП Навоий**  
**вилояти Кенгаши**  
**«Ёшлар қаноти»**  
**етакчиси**

Доноликдан қуйидаги уч фазилат келиб чиқади: мақбул қарор келиш, бехато сўзлаш ва лозим бўлган ишни қилиш.

Демокрит

Доно одамнинг хислати уч нарсада намоён бўлади: биринчиси, бошқаларга берган маслаҳатига ўзи амал қилади, иккинчиси, ҳеч қачон ҳақиқатга қарши бормайди ва учинчиси, ўз атрофидаги одамларнинг нуқсонларига сабр-тоқат билан чидайди.

Л.Н.Толстой

**РИВОЯТ**

Анаксимен шогирди билан сайр қилиб юрарди. Сўхбат орасида шогирди ундан сўради: «Устоз, мана сиз буюк алломалардан сабоқ олган, кўп йиллик ҳаётий тажриба орттириб, донишмандлик мақомига эришган инсонсиз. Лекин негадир ҳали кўп нарсани билмайман, деб нолийсиз. Наҳотки, сиздек донишманд учун ҳам ечилмаган саволлар бўлса бу дунёда?»

Файласуф ўйланиб қолди ва таёқ олиб ерга иккита доира чизди. Бу доираларнинг бир кичкина, иккинчиси каттароқ эди. «Мана бу кичкина доира сенинг билимларинг, каттаси эса меники, — деди Анаксимен. — Ушбу доиралардан ташқаридаги майдон эса ҳали биз англаб етмаган илмлардир. Энди бир эътибор беринг-а, доира қанчалик кичик бўлса, ундан ташқаридаги майдон ҳам шунча кичик, яъни ҳали биз тушуниб етмаган илмлар камроқдир. Доира катта бўлса, бунинг акси, яъни инсоннинг билим доираси қанчалар кенг бўлса, бу доирага туташ номаълумлик майдони ҳам шунчалар кенгдир».

**БИЛАСИЗМИ?**

Германияда дунёдаги энг биринчи хотин-қизлар музейи очилди. Бонн шаҳрида ташкил топган музей «Хотин-қизлар тарихи уйи» номини олди. У дунё аёлларининг муваффақияти ҳақида ҳикоя қилади.

Швейцариялик муҳандислар аҳоли ва транспорт ҳаракатланиши учун кулай тротуарлар бунёд этишмоқчи. 2013 йилнинг мартида очилиши кутилаётган бундай тротуарлар 14 хил бўлиб, синовдан ўтган фойдаланишга топширилади.

**ТУРФА ОЛАМ**

### Махсус линза

**ОЛИМЛАР КЎРИШ ҚОБИЛИЯТИНИ ТИКЛАШ ХУСУСИЯТИГА ЭГА КОНТАКТ ЛИНЗАЛАРНИ КАШФ ЭТИШДИ.**

Махсус линзалар нозик мембрана кўринишида бўлиб, ундаги ўқ тўқималар ўзидан ўзи кўрайиб инсоннинг кўриш қобилиятини нормал ҳолга келтиради. Яъни, махсус линза орқали кўзга ўқ тўқималарни кўчириб ўтказиш ва шу орқали кўзларга қайтадан нур бахш этиш имкони тугилади. Бундан ташқари, Шеффилд университети олимлари кўзнинг шиллиқ пардасини операциясиз даволаш технологиясини яратишга муваффақ бўлишган. Энди ана шу технология тўғрисида кўз қорачиги билан боғлиқ хасталиклар, ирсий ва туғма нуқсонлар, инфекциялар ва қуруқ кўз синдромини самарали даволаш мумкин.



### Шимол ёғдусини деб...

**ЛАПЛАНДИЯ (ФИНЛЯНДИЯ)НИНГ ЮЛЛАС КИШЛОҒИДА ДУНЁ САЙЁҲЛАРИ ВА АҲОЛИ ХОҲИШИГА КЎРА ТУНГИ 22:00 ДАН СЎНГ КЎЧА ФОНАРЛАРИ ЎЧИРИБ ҚЎЙИЛАДИ.**

Сабаби, шу кунларда лапландияликлар шимол ёғдусидан кўпроқ баҳра олиш ниятида. Қолаверса, электр энергияси ҳам тежалди. Маҳаллий аҳолини айтишича, оппоқ қор билан қопланган кўчалар шундоқ ҳам ёп-ёруғ бўлиб туради. Чироқлар фақат дўкон, кафе, давлат идоралари ва ташкилотлардагина ўчмайди. Қолганлар эса маза қилиб шимол ёғдусини томоша қилиш билан машғул бўлишади. Ҳозирча Юлласда чироқлар қачонгача ўчирилиши номаълум. Чунки бу ерда шимол ёғдуси бир неча сония, ҳатто суткалаб давом этиши кузатилади.

### Аёзли кунларда

**ИСПАНИЯЛИК ДИЕТОЛОГЛАР КИШДА КЎПРОК ЖИГАР ВА НОН ЕЙИШНИ МАСЛАҲАТ БЕРИШМОҚДА.**

Маълум бўлишича, ушбу маҳсулотлар организмдаги инсулин ва холестеринни нормаллаштириб, одамнинг кучига куч қўшаркан. Натигада нонни севиб истеъмол қиладиганлар қандли диабетга йўлиқиш хавфидан йироқ бўлади. Айниқсан, қаттиқ бугдой навларидан олинган ундан тайёрланган нон қутилган натижани берадир. Бу борада оқ нон ҳам фойдали. Негаки, унинг таркибида витамин ва минераллар жуда кўп. Жигарга келади бўлса, диетологлар уни ҳам ҳар кун истеъмол қилишни тавсия қилишмоқда. Уни доимо еб юрган одам кун бўйи ўзини тетик қил қилади. Ахир, бир порц жигарда инсон организм учун зарур витаминларнинг бир суткалик дозаси бор-да.

**З.ЗОИРЖОНОВ** тайёрлади

**МАВСУМ**

Ўзбекистон Республикаси саноат корхоналари ичида алоҳида ўринга эга бўлган Бухоро нефтни қайта ишлаш заводи юртимиз иқтисодийётига ўзининг салмоқли улушини қўшиб келмоқда. Ушбу корхонада ёнгин хавфсизлигини таъминлаш муҳим аҳамиятга эга.

### Ёнгин хавфсизлигини таъминлаш

**КОРХОНАНИНГ БАРҚАРОР ИШЛАШИ УЧУН КАФОЛАТДИР**

Чунки ёнгин хавфи юқори бўлган заводда углеводород ва нефть хомашёсини олиб келиш, қайта ишлаш, ҳосил бўлган тайёр нефть маҳсулотларини сақлаш ҳамда керакли манзилларга жўнатиш жараёнларида ёнгин ва техника хавфсизлиги қоидалари бузилиши кўнгилсиз ҳодисаларга олиб келиши мумкин. Ана шундан келиб чиққан ҳолда заводимизнинг асосий цехларидан бири ҳисобланган 3-цехда ёнгин хавфсизлигини таъминлаш цех ишчи-ҳодимлари учун асосий масала ҳисобланади. Чунки ушбу цех заводнинг бир меъёрга ишлаб туриши учун суюлтирилган ва газ ҳолдаги азот, кислород каби ёнгин ва портлаш хавфи бўлган кимёвий моддаларни ишлаб чиқаради. Бундан ташқари, цехда заводнинг барқарор ишлаши учун ҳаво ва буг тайёрланиб, керакли участкаларга жўнатилади.

Мана шу технологик жараёнларда ёнгин хавфсизлиги талабларининг бажарилишига эътиборсизлик билан қараш нималарга олиб келишини цех жамоаси жуда яхши тушунади.

Цех 9 дона ёнгин ўчириш қалқони, бирламчи ўт ўчиргич анжомлари, 12 дона ички ёнгин сув жўмраклари билан таъминланган. 11 дона ички ёнгин ўчириш жўмраклари ўрнатилган. Бундан ташқари, содир бўлган ёнгинларни зудлик билан бартараф этиш мақсадида цех 60 дона кукунли ва углекислородли ўт ўчиргичлар билан таъминланган. Ишчи-хизматчилар ўртасида ёнгин-

га қарши тушунтириш ишлари доимий равишда олиб бориламоқда. Ёнгин хавфсизлиги ойлиги муносабати билан қўшимча равишда деворий газета, бурчак, шиор ва паннолар тайёрланиб, цех ҳудудларига осиб қўйилди. «Олов - тилсиз ёв», «Ёнгин хавфсизлиги ойлигида фаол иштирок этайлик», «Ишлаб чиқаришда ёнгин хавфсизлигини таъминлайлик», «Оловдан эҳтиёт бўлинг» каби мавзуларда ишчи-хизматчилар билан сўхбат ва завод радиосузи орқали ходимларимизнинг чиқишлари ташкил этилмоқда.

Бундан ташқари йил бошидан цехимизда ёнгин ва авария ҳолатларини бартараф қилиш режаси тузилган бўлиб, жорий йилнинг ўтган даври ичида режага асосан 44 марта ёнгини ўчириш бўйича амалий машғулотлар ўтказилди. Бундай тадбирлардан қўзланган асосий мақсад ёнгин хавфсизлигининг олдини олишдир.

Тадбирларни амалга оширишда Х.Рамазонов, О.Сафаров, А.Аслонов, С.Кудрякова, Ж.Ибрагимова, Т.Анохина, А.Раҳматов каби цехимиз ишчи-ҳодимлари фаол иштирок этмоқдалар.

Ёнгинларни олдини олишга қаратилган бундай саъй-ҳаракатлар яхши самара берадир. Айни пайтда ёнгин хавфсизлиги ойлигини самарали яқунлаш маъсулияти цехимизнинг ҳар бир ходимини фаолликка ундамоқда.

**Олим АСРОРОВ,**  
**Бухоро нефтни қайта ишлаш заводи 3-цех бошлиғи ўринбосари**

Реклама

# XALQ BANKI

ДАВЛАТ-ТИЖОРАТ ХАЛҚ БАНКИ  
жамоаси

барча юртдошларимиз ва ўз мижозларини

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ КОНСТИТУЦИЯСИ КАБУЛ ҚИЛИНГАНЛИГИНИНГ 20 ЙИЛЛИГИ**

билан самимий муборакбод этади  
ҳамда энг эзгу тилақларини билдиради.

**Диёримизда доимо тинчлик ва осойишталик, оилаларимизда кут-барака ва шод-хуррамлик бўлсин!**

**ХАЛҚ БАНКИ — ХАЛҚ ИШОНГАН БАНК!**

**ТАХРИР ХАЙЪАТИ:** Ахтам ТУРСУНОВ, Ахрор АҲМЕДОВ, Фолишвер ЗИЯЕВ, Суvon НАЖБИДДИНОВ, Муҳаммадҷон ҚУРОНОВ, Фафурҷон МУҲАМЕДОВ, Улуғбек МУҲАММАДИЕВ, Шоира УМАРОВА, Исмат ХУДОЕВОВ, Рустам ҚОСИМОВ, Эркин ЮСУПОВ, Баҳодир ШАРОФОВ, Арслон ЭШМУРОДОВ

**Бош муҳаррир:** Жалолиддин САФОВ

**ТАХРИРИЯТ МАНЗИЛИ:** Тошкент-100000, Амир Темур кўчаси, 1-тор кўча, 2-уй

Газета тахририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди

**ТЕЛЕФОНЛАР:** (8-371) Қабулхона 234-69-55, Парламент ва партия ҳаёти бўлими (факс): 234-01-47

Бош муҳаррир ўринбосари 234-87-74, Бухгалтерия 234-87-73, Компьютер хонаси 234-86-41.

Ҳажми 4 босма табоқ офсет усулида босилди. Қроғоз бичими А-2

«ШАРҚ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида chop этилди.

Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй

Газета ҳафтанин чоршанба куни чиқади. 2008 йил 29 октябрда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан № 0223 рақами билан рўйхатдан ўтган. Буюртма — Г 1219, Адади — 4225. Газетанин баҳоси келишилган нарҳда.

**Набатчи муҳаррир:** Бехбуд БОТИРОВ

**Набатчи:** Дилфуза РЎЗИЕВА

**Саҳифаловчи:** Акбар ШОДИЕВ

**Электрон почта:** e-mail: milliy@sarkor.uz

Босишга топшириш вақти — 21.00.

Топширилди — 22.40.

**ISSN 2010-7714**